



O'zbekiston
Respublikasi Davlat
geologiya va
mineral resurslar
qo'mitasi

№ 3956-9762-861e-d333-4841-3770-6390
Hujjat yaratilgan sana: 2022-05-19
Ariza raqami: 52351173

Hujjat berilgan: ASADOV SHUXRAT KUDRAT O'G'LI
Qabul qiluvchining identifikatsiya raqami: 466760774

Noruda foydali qazilmalarni o'z ichiga olgan yer qa'ri
uchastkasidan foydalanish huquqi uchun

RUXSATNOMA

SERIYASI: **NV**, TARTIB RAQAMI: **0006**, TURI: **F5**

Ushbu ruxsatnoma **"DELTA AVTO" MCHJ** ga berildi.

Ruxsatnoma Foydali qazilmalarni kavlab olish uchun yer qa'ri uchastkasidan foydalanish huquqini tasdiqlaydi.

Yer qa'ri uchastkasining nomi (yoki raqami): **"Алтинтауское" конининг 1-участкаси**

Foydali qazilma turi: **kaolin, o'tga chidamli olovbardosh va keramika xomashyosi uchun**

Yer qa'ri uchastkasi **Navoiy viloyati, Uchquduq tumani** da joylashgan.

Ruxsatnomaning amal qilish muddati: **19.05.2027**

Quyidagilar ruxsatnomaning ajralmas qismi hisoblanadi:

Yer qa'ridan foydalanish shartlari llova 5 varaqda

Ruxsatnoma berilgan sana: **19.05.2022**

Mazkur hujjat Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 sentyabrdagi 728-son qaroriga muvofiq Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalida shakllantirilgan elektron hujjatning nusxasi bo'lib, davlat organlari tomonidan ushbu hujjatni qabul qilishni rad etishlari qat'iy taqiqlanadi. Hujjat haqiqiylikini repo.gov.uz veb-saytida hujjatning noyob raqamini kiritib yoki mobil telefon yordamida QR- kodni skaner qilish orqali tekshirish mumkin.



Норуда фойдали қазилмаларни
ўз ичига олган ер қаъри участкасидан
фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномага
IV-илова
серия NV 226 рухсатнома тури F5
« 19 » май 2022 йил

**“Алтинтауское” конининг 1-участкасидан каолинни казиб олиш учун ер
қаъри участкасидан
ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ**

Ер қаъри участкасидан фойдаланишга доир мазкур шартлар Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 мартдаги “Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 133-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикасининг ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

“Delta Avto” МЧЖга “Алтинтауское” конининг 1-участкасидан каолинни казиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатнома (кейинги ўринларда – рухсатнома) берилмоқда.

“Алтинтауское” каолин конининг 1-участкаси Навоий вилояти Учқудук туманида жойлашган. Ўтга чидамли оловбардош ва керамика хомашё сифатидаги каолиннинг белгиланган тартибда ушбу участка бўйича тасдиқланган захиралари 396,6 минг тоннани ташкил қилади.

Рухсатномага мувофиқ “Delta Avto” МЧЖга ер қаъридан фойдаланишга оид қуйидаги шартлар белгиланади ва улар рухсатноманинг ажралмас 1-участкаси ҳисобланади.

I. “Delta Avto” МЧЖ мажбуриятлари

1. “Delta Avto” МЧЖ “Алтинтауское” конининг 1-участкасидан каолинни казиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи (рухсатнома) берилган кундан эътиборан, казиш ишлари бошланишига қадар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 32-бандида кўзда тутилган ҳужжатларни (техник-иктисодий асослар, Давлат экология қўмитаси томонидан атроф муҳитга таъсир кўрсатиши тўғрисидаги ариза лойиҳасига берилган ижобий давлат экологик экспертиза хулосаси) тўрт ойлик муддат ичида Давлат геология қўмитасига “Лицензия” ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали тақдим этиш;

рухсатнома расмийлаштирилган Delta Avto томонидан тўрт ой ичида ушбу шартларнинг 1-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўплами Давлат геология қўмитасига топширилмаган тақдирда, расмийлаштирилган рухсатномани Низомнинг 57-бандига мувофиқ муддатидан олдин бекор қилиниши бўйича тегишли чоралар кўрилишига асос бўлади;

уч ой муддатда “Алтинтауское” конининг 1-участкасини ўзлаштиришнинг ишчи лойиҳасини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда келишади;

ишчи лойиҳа асосида уч ойлик муддатда кон ажратмаси лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда кўриб чиқиш ва келишиш учун Давлат геология кўмитаси қошидаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш бўйича Инспекцияга тақдим этади;

кон ажратмаси олинганидан сўнг бир ой ичида жойида кон ажратмасининг бурчак нукталарини реперлар билан белгилайди ва уларни режа-баландлик бўйича боғлайди (белгилайди);

ОВОС (АМТТ) ишлаб чиқади ва якуний босқичини белгиланган тартибда давлат экология экспертизасига – Ўзбекистон Республикасининг “Экология экспертиза тўғрисида”ги қонунига мувофиқ экологик оқибатлари ҳақидаги буюртмани тақдим қилади;

Каолинни қазиб олиш ва уни қайта ишлаш технологияси жараёнига замонавий техникани жорий қилиш йўли билан икки йил мобайнида техник-иқтисодий асосларни тақдим этган кундан бошлаб лойиҳада кўрсатилган сўмдан кам бўлмаган миқдорда минимал инвестиция мажбуриятларини қўйилишини таъминлайди.

2. “Delta Avto” МЧЖ кондан фойдаланиш жараёнида:

Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни талабларига, Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш, сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун талабларига, ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилади;

ҳар йили 25 декабрга қадар кейинги йил учун кон ишларини ривожлантириш режаларини ишлаб чиқади ва Давгеолкўм ҳузуридаги кон-геология фаолиятини назорат қилиш бўйича инспекция ва Давлат саноат хавфсизлиги кўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқлайди;

белгиланган тартибда карьерга геология-маркшейдерлик хизмат кўрсатилишини таъминлайди;

ҳар йили 1 февралга қадар белгиланган тартибда Давгеолфондга кон бўйича захираларнинг ҳолати ва фойдали қазилмаларнинг ҳаракати тўғрисида ахборот (5 ГР шакли бўйича ҳисобот) топширади;

Давлат геология кўмитаси ҳузуридаги кон-геология фаолиятни назорат қилиш бўйича Инспекция билан келишилганидан сўнг, қазиб олиш жараёнида қазиб олинган ва йўқотилган фойдали қазилмаларни ҳисобдан чиқаришни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилиги билан белгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди;

техникаларга ёнилғи қуйиш учун химояланмаган ерларга нефть маҳсулотлари тушишининг олдини олиниши таъминланадиган жойларни ташкил қилади;

эрозия ва дефляция жараёнлар ривожланишига йўл қўймаслик учун ишлар якунланганидан сўнг бузилган ерларни ўз вақтида техник ва биологик тиклаш ишларини амалга оширади;

рельефга, тупроқ ва ўсимлик қопламига таъсирни чеклаш мақсадида транспортларни йўлдан ташқарида ҳаракатланишига йўл қўймайди;

техноген минерал ҳосилаларни сақлаш ва қайта ишлашни белгиланган тартибда таъминлаш;

ер қаъридан фойдаланиш соҳасида, хавфли ишлар, ишлаб чиқариш, хавфли товарлар ва моддалар айланмаси, портловчи моддаларга Ўзбекистон Республикаси саноат хавфсизлиги давлат қўмитасида рухсат бериш жараёнларидан ўтишни таъминлаш;

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, ишлатиладиган мавжуд ёки жалб қилинадиган техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни таъминлаш;

ер қаъридан фойдаланиш муддати рухсатнома берилган санадан бошлаб 5 йилга ўрнатилади.

агар “Delta Avto” МЧЖ ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатнома берилган кундан бошлаб, бир йил давомида ер қаъридан фойдаланишга киришилмаса, ваколатли орган томонидан ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи муддатдан олдин бекор қилиниши бўйича чоралар кўрилади.

3. “Delta Avto” МЧЖ ижтимоий мажбуриятлари:

қазиш ишлари олиб бориладиган вилоят ва туманда яшовчи аҳолиси учун келишилган техник-иқтисодий асослаш лойиҳасига мувофиқ иш ўрни ташкил этилади;

“Алтинтауское” конининг 1-участкасидан қазиб олиш билан боғлиқ ишларни олиб боришга жалб қилиш мақсадида мутахассислар тайёрланиши ва ўқитилишини ташкил қилади;

“Алтинтауское” конининг 1-участкасига инфраструктура ташкил қилади.

II. Ер участкасидан ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиш шартлари

4. Ижарага берувчи 202__йил “__” _____дан _____йил муддатга _____да жойлашган _____гектар ер участкасини ижарага топширади, Ижарага олувчи эса қабул қилиб олади.

5. Ер участкаси _____ учун берилади.

6. “Delta Avto” МЧЖга ижарага берилган ер участкаси ва юритадиган фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ва қонунчиликда назарда тутилган солиқлар ва тўловларни амалга оширади, шу жумладан ер солиғининг субъекти ҳисобланади.

7. Ижарага берувчи белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ижарага олувчи томонидан мазкур шартлар бузилганда ушбу шартларни ўзгартирилишини ёки бекор қилинишини талаб қилиш;

- ижарага олувчи томонидан мазкур шартлар бажарилишини назорат қилиш.

8. Ижарага берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ижарага олинган ер участкасининг белгиланган муддатларда, мазкур шартларга мувофиқ ҳолатда берилишини таъминлаш;

- ижарага олувчининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя қилиш.

9. Ижарага олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ер участкасида фаолият учун берилган мақсадида фойдаланиш;
- ички хўжалик мақсадлари учун ишлаб чиқариш ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни белгиланган тартибда барпо этиш.

10. Ижарага олувчи қуйидагиларга мажбур:

- ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун ер участкасини белгиланган тартибда олиб қўйиш (сотиб олиш) билан боғлиқ харажатлар кейинчалик Delta Avto томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармага рухсатнома расмийлаштирилгунга қадар қоплаб бериш (амалга ошириш);

- ердан унинг белгиланган мақсадига катъий мувофиқ оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудуддаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

- ишлаётган ирригация ва мелиоратив тармоқларни, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаш;

- ерларни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган комплекс тадбирларни амалга ошириш;

- ер солиғларини ўз вақтида тўлаш;

- архитектура-шаҳарсозлик нормалари ва талабларига риоя этиш.

11. Ушбу шартларни амалга оширишда пайдо бўладиган низолар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

III. “Алтинтауское” каолин конининг 1-участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа шартлар

12. Мазкур рухсатномага мувофиқ “Алтинтауское” конининг 1-участкасидан қазиб олинган каолин Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бошқа ҳоларда кўзда тутилмаган бўлса, “Delta Avto” МЧЖ мулки ҳисобланади.

13. Ер қаъри участкасидан фойдаланишга доир мазкур шартларнинг тўлиқ ёки қисман бажаришни иложи бўлмаслиги олиб келган, белгиланган тартибда тасдиқланган форс-мажор вазиятлар юзага келганда, уларни юзага келганлиги ҳақида ўз вақтида Давлат геология қўмитасига маълум қилинган ва зарарни олдини олиш учун имкон қадар чоралар кўрилганда “Delta Avto” МЧЖ жавобгарликдан озод этилади.

14. “Delta Avto” МЧЖни қайта ташкил этишда ёки унинг номини ўзгаришида таъсис этувчи ҳужжатларга ўрнатилган тартибда ўзгартиришлар киритилгандан сўнг беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда Давлат геология қўмитасига ушбу рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида “Лицензия” ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали ариза беради.

15. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуки учун рухсатномаларни улар берилган санадан бошлаб икки йил мобайнида рухсатномалар расмийлаштирилган ер қаъри фойдаланувчиларидан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш, шу жумладан ер қаъри фойдаланувчиларининг таъсисчилари (операцион фаолиятини бошқариш овозига эга мажоритар акциядорлари)ни тўлиқ ўзгартириш тақиқланади.

“Алтинтауское” конининг 1-участкасидан каолинни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳукукини (тўлиқ ёки қисман) бошқа юридик шахсга беришни келишиш рухсатнома эгасининг Давлат геология қўмитасига “Лицензия” ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6-иловасига мувофиқ бериладиган аризаси бўйича амалга оширилади.

16. “Delta Avto” МЧЖ берилган рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунининг 34-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 32, 33, 34-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда рухсатнома суд томонидан бекор қилинадиган ҳолатлар вужудга келганида, рухсатномани бекор қилиш тўғрисидаги ариза Тошкент туманлараро иқтисодий судига киритилади.

17. “Delta Avto” МЧЖ томонидан ер қаъридан фойдаланиш шартларига риоя қилишини, қонунчиликда белгиланган тартибда жойлардаги давлат ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Кон-геология фаолиятни назорат қилиш инспекция, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Давлат геология қўмитаси томонидан амалга оширади.

18. “Алтинтауское” каолин конининг 1-участкасидан қазиб олиш учун ер қаъридан фойдаланишнинг ушбу шартлари, бир хил кучга эга бўлган, икки нусхада тузилган, улардан бири Давлат геология қўмитасида, иккинчиси “Delta Avto” МЧЖ, ва у ва ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳукуки (рухсатнома) берилган кундан бошлаб кучга киради.

“Delta Avto” МЧЖ
ваколатли вакили

Ўзбекистон Республикаси Давлат
геология ва минерал ресурслар
қўмитаси



2022 й.



2022 й.